



ЯЛПИ МАЖЛИС

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ:

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Хафта аввалида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракцияларида бир нечта қонун лойиҳалари муҳокамадан ўтказилди. Ўша куннинг ўзида лойиҳанинг айрим тафсилотлари ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.

Ҳар хил муносабатлар, баъзи меъёрлар бўйича турли талқинлар берилди. Жамоатчиликда парламент, сиёсий институтлар фаолиятига қизиқиш ортиб бораётганига қувонарли ҳол, ўзига хос ютуқ, деб қараш тўғри бўлади.

► (Давоми 2-бетда)

САЙЛОВЛДИ ДАСТУР ВА ИЖРО

ВАЪДАЛАР АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА УЛАНМОҚДА

Бугун ҳудудларимизда янгиликлар кўп, ўзгаришлар катта. Аммо одамларимизни ўйлантираётган, ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Ютуқларда ҳам, тўғриси айтганда, камчиликларда ҳам партия ташкилотларининг, депутатларининг озми-кўпми ҳиссаси бўляпти.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида давлат ва жамиятни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини юритишга қаратилган 10 та йўналишда, 15 қадамни ўзида мужассам этган 100 га яқин таклиф ва ташаббуслар илгари сурилган эди.



► (Давоми 6-бетда)

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ



ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

► (4-бетда)

НУҚТАИ НАЗАР

ҲАР БИР ИНСОН МУНОСИБ ҲАЁТГА ҲАҚЛИ

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИНИНГ ЭХТИЁЖМАНД ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, бандлик ва фаровонлик даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ конституциявий мажбуриятларни самарали уदдалаш йўлида собитқадам. Ушбу мақсадда амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётий натижаларини бераётгани, шунинг баробарида янги, халқчил чора-тадбирлар тизимли татбиқ этилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. На тайинли даромад манбаи бор, на жамиятда ўз ўрнини топган одамларни оғир шароитдан чиқариш учун мавжуд имкониятлар тўлақонли сафарбар қилинмоқда.

► (Давоми 5-бетда)



ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭНДИ "O'zbekiston ovozi" ГАЗЕТАСИГА



ва Payme

ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ ОБУНА
БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ – 220

ХДП: ПУЛЛИ АВТОТУРАРГОҲЛАР НАРХЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ КЕРАК

Ҳозир Тошкент йўлларида тез-тез пулли автомобиль тураргоҳларига кўзимиз тушмоқда. Тўғри, бу тартибли, замонавий ва қўлай шаҳар муҳитини яратиш, йўллардаги зичликни камайтириш учун муҳим, албатта. Бу йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлиги ва қўлайлиги учун ҳам керак. Ушбу масала жамоатчилик орасида ҳам кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

► (Давоми 3-бетда)



ЯЛПИ МАЖЛИС

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ: ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Кеча, 25 ноябрь куни ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилиши ҳам қизғин баҳслар, муҳокамаларга бой тарзда ўтди. Унда кун тартиби бўйича бир қатор муҳим масалалар кўрилди ва қарорлар қабул қилинди.

АВТОМОБИЛДА ОДОМЕТРНИ
ЎЗГАРТИРИШ
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА
ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Ялпи мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, автотранспорт воситасининг босиб ўтган масофасини кўрсатувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартирилганлиги ёки одометр ускунаси алмаштирилганлиги ҳақида автотранспорт воситасини реализация қилишдан олдин хараидорни хабардор этмаслик учун жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Шунингдек, вояга етмаганлар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўришда педагог ёки психологининг мажбурий иштирок этиши талаби назарда тутилмоқда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолатларда педагог ва (ёки) психолог иштирокини таъминлаш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) зиммасида бўлади.

Бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, адвокат ва қонуний вакилга судья ёки мансабдор шахснинг иштирокини рад қилиш ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бир ярим йилгача муддатга тайинлаган бўлса, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш тўғрисида илтимоснома киритиш имконияти жазо муддатининг ярми ўтгач, бир ярим йилдан уч йилгача муддатга тайинланган бўлса, учдан икки қисми ўтгач тақдим этилиши ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар тоифаси кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш, суд ишларини кўришда уларни руҳий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.



МИЛЛАТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАР БЎЙИЧА
АХБОРОТ ЭШИТИЛАДИ

Парламент қўйи палатасида миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитанинг ахбороти эшителиди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда умуммиллий тотувлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, кўп миллатли халқимизнинг Ватанимиз фаровонлигига дахлдорлигини кучайтириш борасида кенг ислохотлар амалга оширилмоқда.

Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, ягона халқ бўлиб умуммиллий тотувлик асосида аҳил-иноқ яшаб келаётгани ушбу конституциявий қонданинг амалдаги ифодасини намоён этмоқда.

Жорий йилнинг ўзида соҳада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган Президентимизнинг 1 та қарори, 1 та фармони қабул қилинди. Жумладан, 2025 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитасига умуммиллий тотувликни ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, ушбу масала юзасидан Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги

ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси раисининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ
КУРАШДА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Ялпи мажлисда шунингдек, қўйи палата Спикери мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, давлатимиз раҳбари раислигида 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Қайд этилдики, Президентимиз бу борадаги ишларни ташкил қилишнинг 5 та асосий йўналишини белгилаб берди. Булар қурилиш орқали аҳолини ишли ва даромадли қилиш, сервис лойиҳаларини кўпайтириб, аҳоли бандлигини таъминлаш, саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ҳисобидан аҳоли даромадларини ошириш ва эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари билан боғлиқдир.

Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ механизмлар, молиявий манбалар ва ижро учун масъуллар белгилаб берилди.

Бу ташаббуслар жойларда янада кенг имкониятлар яратишга, аҳолини юқори даромадли меҳнатга жалб қилиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Қайд этилдики, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига парламентда ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада ташкилий-амалий механизмлар яратилган.

Парламент қўйи палатасининг камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Ишчи гуруҳи қўмиталар, фракциялар билан биргаликда самарали парламент назоратини амалга ошириб келяпти.

Жумладан, ўтган даврда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар ва мақсадли кўрсаткичларни ўрганиш юзасидан жойларда 9 маротаба назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Ўрганиш якунларига кўра, тегишли вазирлик ва идорларнинг 8 маротаба ахбороти эштилди.

Эшитувлар давомида соҳадаги ишларни жадаллаштириш, мавжуд камчиликларни батараф этиш бўйича таклифлар берилди.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ
МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ?

Ялпи мажлисда ушбу масала юзасидан сиёсий партиялар

фракциялари ўз таклифларини билдиришди.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎЗХДП фракцияси
раҳбари:**

- Бугун камбағалликни қисқартириш масаласи умуммиллий ҳаракатга айлانганини ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Камбағалликни қисқартириш вазифаси ислохотлар марказига олиб чиқилди ва бугунги кунда, айтиш мумкинки, умуммиллий ҳаракатга айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтлари, Жаҳон банки ва нуфузли тузилмалар билан ҳамкорликда халқаро стандартларга мос равишда камбағалликни қисқартириш чоралари кўрилмоқда.

Энг аввало, таъкидлаш керакки, “Ижтимоий реестр”нинг юритилаётгани, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилганлиги, бу борадаги давлат сиёсатининг битта ташкилот томонидан амалга оширилиши ва унинг юқоридан қуйига туширилганлиги, яъни, ҳар бир туманда “Инсон” марказларининг ташкил этилганлиги муҳим, албатта.

Бу борада депутатларимиз, жамоатчилик ҳар бир оилага кирганда, унинг муаммоларининг ечими бўйича алоҳида ёндашувларга эга бўлганини кўряпмиз.

Ҳар бир хонадон, ҳар бир оила билан индивидуал режа асосида ишлаш, даромадини ошириш учун етарли ресурс ажратилмоқда. Маҳаллалари обод қилиш, инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили салмоқли маблағлар йўналтирилмоқда.

Жамиятнинг энг қўйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгани ўзини ҳар томонлама оқлаганининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Ҳимоянинг вақтида ёки тўғри манзилда кўрсатилмаслиги камбағал оилалар ҳолатини яна оғирлаштириши мумкин. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бу борада ягона тизим бўлди, натижада ҳар бир туман ва шаҳарда “Инсон” марказлари очилиб, 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар “бир дарча” тамойили асосида кўрсатилмоқда.

Ишсизликни камайтириш, камбағаллик ҳолатидаги аҳоли қатламнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, меҳнат бозори ва касб-ҳунар таълимини доимий ривожлантириб бориш доимий заруратга айланди.

Президент раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар партиямизнинг муҳим дастурий мақсадлари амалга ошишига, электоратимизнинг манфаатларига хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда илгари сурилган эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўналиши бўйича, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ёрдам ва имтиёзларнинг манзиллилигига эришиш, камбағалликни қисқартириш ва бандлик йўналишларида ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш масалаларида барча даражадаги депутатлик корпусимиз билан таъсирчан жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга оширамыз.

Шу тариха Қонунчилик палатасининг яна бир мажлиси ўз ниҳоясига етди.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**



ХДП: ПУЛЛИ АВТОТУРАРГОҲЛАР НАРХЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ КЕРАК

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Хаттоки, Тошкент шаҳридаги “пулли парковка” бўйича қарорни бекор қилиш ҳақидаги жамоавий мурожаат “Менинг фикрим” порталига ҳам жойланди. Муаллифнинг таъкидига кўра, ушбу қарор кўпчиликнинг норозилигини келтириб чиқарган ва мурожаат орқали уни бекор қилишнинг қонуний йўли мавжуд. Ушбу мурожаат ортидан жамоатчилик икки гуруҳга бўлинди.

Фуқароларимиз орасида бу ташаббусни қўллаб-қувватлаганлар ҳам бор. Аммо айримлар бундай турдаги автотурароҳлардан воз кечиш лозимлигини айтишмоқда. Яна бир гуруҳ юрдошларимизнинг фикрича, парковчалар зарур, аммо аини ҳолатда кўплаб шоша-шошарликлар сабабли ажратилган ҳудудлар талабга жавоб бермайди. Нархларнинг қимматлиги ҳақида ҳам эътирозлар кўпайди.

Жараён шундан бошланди... Ушбу масалада дастлаб 2024 йилда илк режалар эълон қилинган эди. Жорий йилнинг бошида пойтахтда 200 мингдан ортиқ ана шундай объектлар барпо этилиши ҳақида хабар тарқалганди.

Ўтган йилнинг 16 октябрь куни Тошкент шаҳри ҳокими «Тошкент шаҳрида транспорт воситаларининг пулли тўхтаб туриш жойлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарор билан Тошкент шаҳрида транспорт воситаларининг пулли тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш тартиби ва транспорт воситаларининг пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун тўловлар миқдорлари тасдиқланди.

Бунда Тошкент шаҳрида транспорт воситаларининг пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун тўловлар миқдорлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган чекланган миқдорлардан юқори бўлмаслиги керак.

Шу тариқа пойтахтимизда “пулли парковка”лар ишга туша бошлади.

ХДП ташаббус билан чиқди Пойтахтда пулли автомобиль тўхташ жойлари учун ўрнатилган нархларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Халқ демократик партияси депутатлари пойтахт инфратузилмасини яхшилаш, раван ва хавфсиз йўллари барпо этиш, замонавий транспорт тизимини яратиш борасида сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришларни эътироф этиб, шаҳарда ташкил этилган автомобиллар учун пулли тўхташ жойларидаги нархларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Партиянинг расмий муносабатига кўра, пойтахт кўчаларида автомобиль кўйиш жойларидан (шаҳар

бўйлаб 14 мингга яқин пулли автомобиль тўхташ жойлари ташкил этилиши белгиланган) фойдаланиш ҳақи соатига **12 минг сўмдан бошлаб белгилангани**, тушаётган маблағлар бўйича очиқлик ва ҳисобдорлик етишмаётгани жамоатчилик орасида турли муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Таъкидланишича, бундай тизим аҳолининг даромадлари ва имкониятларига мос бўлиши, ҳаётий зарур эҳтиёжлари ҳисобга олинishi лозим.

«Масалан, пойтахт маркази ва унга яқин ҳудудларда ишлаётган юрдошларимиз иш вақти давомийлиги бўйича автомобилларини 8 соат атрофида пулли тўхташ жойларида қолдиришига тўғри келмоқда. Демак, кунлик тўлов 100 минг сўм атрофида бўлиб, ойлик тўлов меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан ҳам ортиб кетмоқда. Бу эса фуқароларнинг ўртача даромадларига қанчалик тўғри келаётгани жиддий масалага айлانмоқда.

Пулли тўхташ жойлари бизга ҳар томонлама ақин бўлган қўшни давлатларда ҳам ташкил этилган. Уларда тўхтаб туриш нархи бир неча баробар арзон. Демак, биздаги тариф миқдори иқтисодий мантқ ва ижтимоий адолат мезонларидан анча узоқлиги кўринмоқда», – дейилади партия баёнотида.

Халқ демократик партияси пойтахтимиздаги пулли тўхташ

жойлари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида қуйидагиларни маълум қилади.

Биринчидан, оммавий фойдаланишдаги хизмат учун ҳар қандай тариф ёки йиғим миқдорини белгилашда аҳолининг реал даромадлари, ижтимоий ҳимоя даражаси ва ҳаётий эҳтиёжлари инobatга олиниши зарур.

Иккинчидан, белгиланган тарифлар иқтисодий асосланиши, қайта кўриб чиқилиши, маблағлар қаерга тушаётгани, уларнинг қандай сарфланиши ҳақида маълумотлар кенг жамоатчиликка очиқланиши керак.

Учинчидан, ижтимоий объектлар, хусусан, давлат тиббий муассасалари, давлат хизматлари кўрсатиладиган марказлар ва “Инсон” марказлари, шунингдек, кутубхоналар олдидаги пулли тўхташ жойларидан маълум вақт давомида бепул фойдаланиш имкониятини яратишни назарда тутиш лозим.

Тўртинчидан, савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш, тиббиёт, спорт ва маданий-кўнғилочар муассасалар ҳудудидаги тўхташ жойларининг камида 5 фоизи имтиёзга эга шахслар учун бепул ажратилиши қатъий таъминланиши керак ҳамда мазкур меъёрни ошириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, қатор пулли тўхташ жойлари “қатнов қисмида

тўхташ тақиқланади” белгиси ўрнатилган йўл қисмларида ташкил этилаётгани “пул тўланса – мумкин”, деган хулосани бермоқда. Йўл ҳаракати қоидаларига кўра тўхташ тақиқланган жойда тўловдан кейин тўхташ мумкин бўлаётгани тенглик тамойилларига зиддир.

Пойтахтимизда замонавий ва қулай транспорт тизимини ривожлантириш муҳим. Аммо у, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, ижтимоий адолат ва қулайлик тамойилларига асосланиши зарур.

Тўри, пулли парковка — модерн шаҳар учун зарур, лекин биринчи навбатда инфратузилма, шаффофлик ва адолат таъминланиши шарт. Фикримизча, ҳақиқатдан ҳозирги нарх, амалдаги тартиб аҳолининг кўпчилиги учун кундалик харажатни сезиларли даражада оширади. Тарифлар даромадга мос, белгилар аниқ, жойлар стандартга тўғри келиши, ҳисобот очиқ бўлиши шарт.

Агар тарифлар аҳолига мослаштирилса, тизим шаффоф, инфратузилмалли ва адолатли бўлса тирбандлик камайиши ва транспорт тартиби яхшиланишига ишонамиз. Акс ҳолда, бу фақат қўшимча харажат ва норозиликка айланади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ЎЗХДП ТАШАББУСИ

Бугун дунёда кечаётган шиддатли глобаллашув жараёнида инклюзивлик давр талабига айланиб улгурди. Шу сабабдан дунё лексиконида “инклюзив жамият”, “инклюзив таълим” иборалари тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу мактабларда алоҳида эҳтиёжли болаларни ўқитиш жараёнини тавсифлаш учун ишлатиладиган атама. Унинг мақсади алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини инobatга олган ҳолда, болаларни ўқитиш ва ўқитишда тўсиқсиз муҳит яратишдир.

Моҳиятан олиб қаралса, ногиронлиги бор болалар ҳам соғлом болалар билан битта мактабда, битта синфда ўқишини англатади. Яъни, у барча учун мўлжалланган таълим. Бу мактабгача, ўрта ва олий таълимни ўзгариштириш жараёни бўлиб, барча ногиронлиги бор фарзандларимиз ундан фойдаланиши, ушбу таълимни уларнинг турли эҳтиёжларига мослаштириш мумкинлигини кўзда тутади.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан ҳар қандай камситишни истисно этадиган, барча учун тенг муомалани таъминлайдиган, махсус таълим эҳтиёжига эга болалар учун зарур шароит яратадиган мафкурага асосланади.

Ҳақиқатан ҳам, ногиронлиги бўлган болалар ҳам соғлом болалар билан бир хил эътиборда ўқий олиши керак. Таҳлилларга кўра, агар мактабларда инклюзив таълим билан қамраб олиш учун шароит яратилса, ногиронлиги бор 16 ёшгача болаларнинг 80 фоизидан ортиги бемалол мактабга бора олади.

Бу қанчадан-қанча болаларнинг кўнглига ёруғлик олиб киради, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис қилади, шу тариқа ҳаётга қараши ўзгаради. Шунда ногиронлиги бор бола тенгдошларидан ўзини айро ҳис қилмайди, ўзига нисбатан ишончи ошади, интилиши кучаяди.

Кейинги йилларда юртимизда ҳам инклюзив жамият яратишга, таълим

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



соҳасида инклюзивликни оширишга қаратилган стратегиялар, кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз сиёсий майдонида ижтимоий адолат, ҳамма учун тенг имкониятлар яратилиши учун кураш олиб бораётган сиёсий куч сифатида жамиятда ҳам, таълимда ҳам инклюзивлик юқори даражада бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш тарафдори. Партия Сайловолди дастурида ҳам бу масала алоҳида қайд этилган.

Шунинг учун Халқ демократик партияси мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни ҳудудлар кесимида ўрганиб, доимий таҳлил қилиб боради ва аниқланган муаммолар бўйича муҳокамалар ўтказади, таклифлар ишлаб чиқади.

Партия Марказий Кенгаши томонидан пойтахтимизда “Инклюзив таълим тизимидаги муаммо ва таклифлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар

депутатлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги масъуллари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъуллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Маълумотларга қараганда, бугун юртимизда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактабларда 20,5 минг нафар, умумтаълим мактабларида 75 минг нафар бола таълим олмақда.

Жорий йил якунига қадар қўшимча 9,5 минг нафар ногиронлиги бўлган болани оддий синфларга, 2 мингга яқинини эса инклюзив синфларга жалб этиш орқали қамровни 82 фоизга етказиш режалаштирилган.

2 023 та мактабда 3 483 та инклюзив синфлар ташкил этилган бўлиб, уларда 4 509 нафар ногиронлиги бор болалар таълим олмақда.

Мулоқот давомида соҳада мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди. Ўрганишларда маълум бўлишича, инклюзив таълим жорий этилган мактабларнинг кўпчилигида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракат қилиши учун “тўсиқсиз муҳит” яратиш ҳамда инклюзив таълимга жалб этилган болалар қўшимча шугулланиши учун коррекцион хоналари жиҳозлаш ишларига маҳаллий ҳокимликлар томонидан етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Бундан ташқари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги инклюзив таълим ва меҳрли мактаб фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимининг туман ва шаҳарларда масъул ходими йўқлиги муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бу эса инклюзив таълим жорий этилган мактаблар



фаолиятини янада самарали ташкил қилиш, педагоглар, ўқувчилар ёки ота-оналарда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мунозара тарзидagi мулоқотда мутасадди вазирлик-идоралар масъуллари юзага келаётган, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, тезкор ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш бўйича фикр алмашишди.

Инклюзив синфларда таълим олган болалар тез ривожланади, фанларни яхши ўзлаштиради, жамиятга, ижтимоий ҳаётга мослашишда қамроқ қийинчиликларга дуч келади.Шунинг учун инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, айниқса, ҳудудларда бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини қучайтириш долзарб аҳамиятга эга. Халқ демократик партияси ҳудудларда инклюзив таълим билан боғлиқ масалаларни ўрганиб, сессиялар муҳокамасига олиб чиқиши, жойларда ижро ҳокимиятининг, мутасадди идораларнинг масъулиятини қучайтиришни давом эттириши маълум қилинди.

Ўз мухбиримиз

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ

ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

Мамлакатимизда 2023 йилги референдум асосида амалга оширилган конституциявий ислохотлар инсон ҳуқуқлари ҳимояси, қонун ва одил судлов устуворлиги, ижтимоий сиёсатни кучайтиришда муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда гендер тенглиги, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик масалаларига алоҳида урғу берилганки, ҳамюртларимиз, айнқса, катта ёшдаги аҳоли вакиллари, аёллар ва ёшлар бу ўзгаришларни мамнунлик билан кутиб олди.

Конституцияда Ўзбекистон “суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деб эълон қилинди, ушбу принципиал қоидаларни ўзгартириб бўлмаслик қатъий белгиланди. Айна мақсадларга эришиш учун камбағаллиқни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари қарийб уч баробар ошди.

Демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан бири – бу ҳамманинг қонун олдида тенглиги, конституциявий меъёр ва тамойилларнинг барча жабҳада устуворлигида намоён бўлади.

Президентнинг 21 ноябрь куни эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида санага бағишланган маънавий-маърифий ва бошқа тадбирларни “Конституция - инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови” деган бош ғоя остида ташкил этиш ва муносиб нишонлаш белгиланди. Мазкур эзгу ғоядаги АДОЛАТ сўзига диққатингизни қаратишни истар эдим.

Адолат тушунчаси, шубҳасиз, қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир

қабул қилинаётган қонунлар замирида адолат ётиши лозим. Адолат принципига асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши пировардида инсон кадр-қимматини улуглайди. Жамиятда ҳар бир шахснинг тенглик шароитида фаровон турмуш кечиришини кафолатлайди.

Мамлакатимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилган бўлиб, биринчидан, қонунларнинг бажарилиши устидан парламент, жамоатчилик ва идоравий ҳамда адлия органларининг назорати ўрнатилган. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриши белгилаб қўйилган. Учинчидан, ҳар бир шахс ўзининг қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялаш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Тўртинчидан, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик назорати мустаҳкамланган.

Умуман олганда, қонун устуворлиги ҳар бир инсонга ўз ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қонунан кафолатлангани туфайли тинч, осойишта, хотиржам, ҳеч қандай ташқи таъсирлардан, зўравонлик ва ўзбошимчаликлардан қўрқмай яшаш имкониятини беради. Бундай жамиятда одил судлов мустақил бўлиб, самарали амалга оширилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида “Ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали берилган асосий



ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга” деб қайд этиб қўйилган. Мазкур халқаро стандарт Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Конституцияга кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилган (55-модда). Ушбу конституциявий норма одил судлов орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади.

Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда конституциявий шикоят институти жорий этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янги даражага кўтарди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 133-моддаси иккинчи қисмига биноан, фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан

фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли экани мустаҳкамланди.

Конституциявий шикоят институти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган қонун ҳужжатларини Конституцияга мувофиқлигини аниқлашга қаратилган бўлиб, шикоят фуқаронинг ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституция принциплари ва нормаларига мувофиқлигини текшириш сўрови билан бевосита конституциявий назорат органига мурожаатини билдиради. Конституциявий судга мурожаат қилишнинг пировард мақсади муайян қонун нормасини Конституцияга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқлашдан иборатдир.

Аслида конституциявий шикоят институти жаҳон амалиётида мавжуд ва аксарият Европа мамлакатларида

мазкур норма тизимли асосда ишлайди. Масалан, Испания Қироллиги Конституциясига мувофиқ Конституциявий суд барча испан ҳудудида юрисдикцияга эга ва қонунлар ҳамда қонун кучига эга бўлган норматив ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги аризаларни кўришга ваколатли.

Конституциявий шикоятнинг бошқа давлат органлари ва умумюрисдикция судларига берилган шикоятлардан фарқли хусусияти шундаки, бундай шикоят ким томонидан берилганидан қатъий назар, уни кўриб чиқиш натижасида чиқарилган суд қарори барча фуқароларга, тегишлича давлат органлари, идоралар, нодавлат ташкилотларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Ўз навбатида конституциявий шикоят институтининг татбиқ этилиши Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштиришга туртки бериб. Шунингдек, қонунларнинг сифати ва самарадорлиги, уларнинг конституциявийлигини, давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириши таъминлашга хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлса, бундай давлатда демократик қадриятлар барқарор сўратда ривожланади. Демократик қадриятлар эса ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг ўзаги ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳам мазмун-моҳиятан мана шу ҳақиқатга асосланади.

Умиджон ҒИЁСОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди
катта эксперти.

ПРЕСС-ТУР

МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚЛАРИ – ЭЪТИБОРДА

Сўнгги йилларда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини кенгайтириш орқали уларда қонунга итоаткор ҳуққ-атворни, инсоний фазилатларни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада охириги беш йилда қатор қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятига бағишлаб ташкил этилган пресс-тур журналистларга ушбу ҳужжатлар доирасидаги ишлар билан яқиндан танишиш имконини берди.

Пресс-тур иштирокчиларининг манзили Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Жазони ижро этиш департаменти ҳузуридаги 42-манзил колонияси бўлди.

– Бугунги кунда маҳкумларни сақлаш шароитлари халқаро талабларга мувофиқлаштирилди ва уларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтирилди, – дейди колония бошлиғи Фахриддин Мадалиев. – Колониямизда тузалиш йўлига ўтган маҳбуслар қорвачиллик ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, асарларчилик билан шўғулланади. Бунинг учун иссиқхоналар ҳам ташкил қилинган.

Бу уларнинг ҳалол меҳнат билан жазони ижро этиш даврида даромад топиб, оиласига молиявий кўмак беришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пресс-тур доирасида ўтказилган матбуот анжуманида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳкумларни тарбиялаш, жамиятга мослаштириш, тўғри ҳаётга қайтариш мақсадида тарбиявий-профилактика ишлари изчил амалга ошириб келинаётгани таъкидланди. Барча жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида махсус контингентнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун видеокузатув воситалари билан жиҳозланган 49 та “сўровхона” мавжуд.

– Ҳозирда жазони ижро этиш тизимида 8 та умумтаълим мактаби ва 4 та касб-ҳунар таълими маркази фаолият олиб бормоқда,



– дейди Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти бошлиғи ўринбосари Отабек Сатимбоев. –Жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллашлари бўйича ҳуқуқий кафолат мустаҳкамланди ҳамда “уста-шогирд” мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида маҳкумларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўргатиш бўйича назарий ва амалий ўқув хоналари ташкил этилди. Айна вақтда 7 минг 300 дан ошқ маҳкумлар 20 дан ортиқ йўналишда касб-ҳунар ўрганмоқда.

Айтиш керакки, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг муассасада ишлаган даврини умумий меҳнат стажига қўшиш орқали уларга келгусида пенсия олиш имконияти ҳам яратилган. Қолаверса, уларга қариндошлари билан телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашувлар олиш сони қарийб икки бараварга кўпайтирилди. Шунингдек, маҳкума аёллар вояга етмаган фарзандлари билан чекланмаган миқдорда учрашиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат. Эндиликда қамоққа олинган шахсларни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартиблари

белгиланди. Яқинда маҳкумларнинг жазо муддати китоб ўқиғаниги учун қисқартирилиши амалиёти жорий этилади.

Бундан ташқари, тергов ҳибсхоналари ва ёпиқ турдаги колонияларда адвокатлар учун 69 та алоҳида хона ташкил этилган. Омбудсман ва Бизнес омбудсманга қамоқхоналарга ҳеч қандай монеликсиз кириш учун шароитлар яратилган. Шу билан бирга, муассасаларга 8 минг 276 дона видеокузатув мосламалари ўрнатилган. Хизмат ўтаётган ходимлар 360 дона бодикамера билан таъминланган. Видеокузатув воситалари департамент ситуацион таҳлилий марказига интеграция қилиниб, муассасалар ҳудудидаги (ходимлар ва маҳкумлар) ҳаракатлар онлайн назорат қилинмоқда.

Анжуманда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган маҳкумларнинг яшаш майдонини 2,5 квадрат метрдан 3 квадрат метргача оширилгани, улар учун мўлжалланган умумий турар жойларни махсус воситалар ва мосламалар (пандус) билан жиҳозлаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Тостемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.





НУҚТАИ НАЗАР



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўша машхур ибора билан айтганда, уларга балиқ эмас, қармоқ бериб, боқимандалик кайфиятидан халос этишга тизимли ёндашилмоқда. Тобора якунига етаётган 2025 йил сарҳисоби бунга яққол далил: йил бошидан буён мамлакатимизда ишсизлик 4,9 фоизга тушди (2024 йили бу 5,5 фоиз бўлган). Худудлар кесимида Бухоро, Когон, Навоий, Зарафшон, Фозгон, Самарқанд, Ширин шаҳарларида ишсизлик 4 фоиздан пасайиб, илк бор “табiiй ишсизлик” даражасига яқинлашди. Эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқди. Шароити оғир бўлиб келган Ховос, Мирзаобод, Оқолтин, Дўстлик, Пахтакор, Фориш, Бўстон, Вобкент, Миришкор, Мингбулоқ, Узун ва Пискент туманларида камбағал оилалар сони 4,5 баробаргача камайди. Илгари қийин аҳволда бўлган 105 минг оила даромад кўришни бошлади. Асосийси, жорий йилда илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди.

Ижтимоий сиёсатдаги бу умидли ўзгаришлар Халқ демократик партияси электорати манфаатларига уйғун бўлиб, партия давлатнинг ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш билан боғлиқ позициясини қўллаб-қувватлайди.

Ўтган ҳафтада Президент ҳузурида ташкил қилинган меҳнат миграцияси соҳасидаги вазифалар ва режалар тақдироти, шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари ва галдаги чора-тадбирларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ХДП депутатларининг, фаолларининг алоҳида диққат-эътиборини тортгани ҳам бежиз эмас.

Дарвоқе, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида бу масала яна бир бор тилга олиниб, партия депутатлик корпуси ишсизликни ва камбағалликни қисқартириш бўйича реал натижалар учун қатъий, амалий ҳаракат билан фаоллик кўрсатиши зарурлигига урғу берилди.

МИГРАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши, глобаллашув жараёни меҳнат миграциясини жадаллаштириб юборди. Аслида ишчи кучининг кўчиши – бу янгилик эмас, азалий ҳодиса. Фақат бугунга келиб мазкур тенденция минглаб эмас, миллионлаган статистик рақамларда намоён бўлмоқда. БМТ маълумотига кўра, 2025 йил ҳолатига дунё аҳолисининг тахминан 3,6 фоизи ёки 281 миллион кишидан иборат қисми меҳнат мигранти, яъни, ишлаш ва даромад топиш учун ватанидан хорижга кетган кишилар ҳисобланади.

Мазкур глобал вазиятга парадокс равишда Ўзбекистонда чет элда ишлаётган фуқаролар сонига сўнгги йилларда камайиш кўзатиляпти. Бунга мамлакатда барқарор ва даромадли иш ўринлари яратиш, ишсиз қатламни кичик бизнесга жалб этиш, замонавий меҳнат шакллари кенг йўлга қўйиш юзасидан кўриляётган чора-тадбирларнинг ҳосиласи, дейиш мумкин.

Ишлаш учун хорижга кетаётган

мигрантлар сони камайган бўлса-да, улар томонидан юборилган маблағ 2016 йилга нисбатан бир неча баробар юқорилаган. Юртдошларимиз халқаро меҳнат бозорига фақат “қора ишчи” эмас, балки ўз касбини мукаммал эгаллаган, хорижий тилни равон ўзлаштирган, малакали мутахассислар сифатида кириб бораётгани эътирофга лойиқ, албатта.

Бироқ соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина. Аввало, тил ва касбий малака талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ишларини янги босқичга чиқариш зарур. Бундан ташқари, меҳнат миграцияси хизматлари тарқоқ бўлгани учун бу масалада оддий одамлар қатор оворагарчиликларга дуч келаётгани сир эмас.

Юқорида келтирилган тақдиротда шулар ҳақида сўз борар экан, аниқ вазифалар илгари сурилди. Хусусан, пойтахтнинг Учтепа туманида “Хорижга ишга тайёрлаш маркази”, Термиз шаҳрида “Ягона миграция хизматлари” маркази ташкил этилиши, Яшнобод туманида халқаро компаниялар билан ҳамкорликда немис ва япон тилларига ўқитиш мактаблари очилиши аини муддаодир.

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИГА МИГРАЦИЯ ОҚИМИ 4 БАРОБАР КўПАЙГАН БИР ШАРОИТДА У ЕРДА ИШЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МИГРАЦИЯ БўЙИЧА АТТАШЕ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИ КўПАЙТИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИДА ЭСА ВИЗА МАРКАЗЛАРИНИНГ КўЧМА ОФИСЛАРИНИ ОЧИШ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАНИ ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАШ ИСТАГИДА ЮРГАН ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ИНСОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ.

Миграция хизматларини рақамлаштириш, тизимга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва шаффофлаштириш, ноқонуний миграция ва консалтинг хизматлари кўрсатишда фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида ҳам янги вазифалар кун тартибига қўйилди. Буларнинг бари пировардида меҳнат мигрантлари манфаатларини кафолатлаш мақсадини назарда тутди.

ЭЛАК СУВДАН КўТАРИЛДИ

Ёдингиздадир, давлат раҳбари 2025 йил мамлакатда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳал қилувчи йил бўлишини қайд этган эди. Мана шундай аниқ ва катта мақсад йўлида қўлга киритилган салмоқли натижаларни сўзимиз аввалида келтирдик. 19 ноябрь куни ўтган видеоселектор йиғилишида эса элак сувдан кўтарилди, десак хато бўлмас.

Йиғилишда айрим туманларнинг ҳокимлари етарли ресурси ва маблағи бўла туриб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани, одамларга имкониятига яраша тайёр лойиҳа бермагани танқид қилинди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик режаларини бажаришдаги масъулиятсизлиги учун 261 нафар мансабдор ишдан олингани, яна 492 нафарига интизомий жазо берилгани таъкидланди.

2026 йилда ҳам камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоиздан камайитириш мутасаддиларнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши айтиб ўтилди. Бунинг учун келгуси йилда иқтисодиётга 450 триллион сўм кредит ажратилиши, 140 триллион сўми маҳаллалардаги кичик ва ўрта лойиҳалар учун йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Қурилиш соҳада аҳолини ишли ва даромадли қилиш, сервис лойиҳаларини кўпайтириш(хусусан, туризм салоҳияти юқори 150 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаб, 45 минг нафар кишини савдо ва сервисда банд қилиш мумкин), саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринларини очиш, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Янги йилдан “Тенг имкон – инклюзив бандлик” лойиҳасини жорий этиб, ногиронлиги бўлган 40 минг одамни ишли қилиш, Бандлик жамғармасидан уларга 30 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратиш тизими йўлга қўйилиши электоратимиз учун яна бир муҳим янгиликдир.

Камбағалликка қайта тушиш хавфи мавжуд оилаларга ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар сақлаб қолинади. Уларга 6 ой мобайнида моддий ёрдам ва болалар нафақаси тўланиши давом эттирилади, боғча ва тўғарак харажатини қоплаш, даволаниш ордери каби 110 та ижтимоий хизмат ва ёрдамдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланиш имкони берилади.

Оғир ҳаётий вазият сабабли камбағалликка тушиб қолиши хавфи юқори бўлган оилаларни олдиндан аниқлаб, уларга манзилли ёрдам кўрсатишда “маҳалла еттилиги” зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб, ишга қаттиқ киришиши шарт экани, акс ҳолда амалда ўзгариш бўлмаслиги эслатиб ўтилди.

Ҳамза АБДИЖАЛИЕВ, халқ депутатлари Чимбой тумани Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

- 2020 йилда мамлакатимизда камбағал одамлар қатлами борлиги очиқ-ойдин гапирилгани ва бу муаммони бартараф этишга жиддий киришилгани жамиятимиз ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Мана, бешинчи йилдирки, камбағалликни қисқартириш барча бўғиндаги раҳбарларнинг, давлат хизматчиларининг ва, табиийки, биз, халқ вакилларининг ҳам фаолиятимизда ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Инчунун, Президент раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари ва галдаги чора-тадбирларга бағишланган видеоселектор йиғилишида билдирилган танқидий фикрлар, 2026 йил учун белгилаб берилган аниқ мақсадли, устувор йўналишлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди.

Биргина мисол. Йиғилишда саноат лойиҳаларини кўпайтириш масаласи бешта устувор йўналишдан бири сифатида кўрсатиб ўтилди. Келгуси йилда худудлардаги корхоналарда 52 миллиард долларлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилгани, мутасаддилар маҳаллий саноат тармоқларида 3,5 мингта лойиҳани ишга тушириб, 130 мингта доимий иш ўрни ташкил этиши жойларда, айниқса, қишлоқ туманларда ишсизликка барҳам беришда ҳал қилувчи омил бўлади.

Ёки қишлоқ ҳўжалиги ҳисобидан аҳоли даромадларини ошириш, томорқа деҳқончилигини ривожлантириш юзлаб оилаларнинг фаровонлигига хизмат қилиши тайин. Чунки омилкор халқимиз бир парча ердан ҳам баракали ҳосил кўтариб, мўмай даромад топиш ҳадисини олган. Деҳқончилик қилиш ниятида бўлган аҳолига ер ажратиш, сифатли уруғ таъминотида, маҳсулотига бозор топиши, сув танқис шароитда илғор агротехнологияларни татбиқ қилиши учун кўмаклашиш лозим. Йиғилишда бу масаланинг эътибордан четда қолмагани кўнглимиздаги гап бўлди.

Умуман олганда, белгилаб берилган вазифалар фақат жойлардаги ҳокимлар ва бошқа мутасаддиларга эмас, балки ҳаммамизга дахлдор. Айтмоқчиманки, ишсизликка барҳам бериш, эҳтиёжманд оилаларни оёққа қўйиш билан боғлиқ ишларда биз, халқ вакиллари ҳақчил қонунчилик ташаббуслари билан чиқиб, назорат-таҳлил ва жамоатчилик назорати тадбирларида жон куйдиришимиз ҳар қачонгидан муҳим. Ана шунда ижтимоий сиёсатда кўзда тутиляётган эзгу мақсадлар фақат қоғозларда эмас, балки ҳаётда исботини топади. Одамларнинг ижтимоий ислохотлардан розилик ҳисси ортади.

Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЯНГИЛИК

ЭҲТИЁЖМАНД ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚАМРОВИ ОРТАДИ

Шу йилнинг 20 ноябрида Президентнинг “Ёшлар дафтари” жамғармалари орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда “Ёшлар дафтари”га киритилган 16 минг нафар йигит-қизларнинг

доимий даромад манбаига эга бўлиши учун кўмаклашиш, шу билан бирга “Мутолаа” лойиҳаси

доирасида илмий-оммабоп, бадий китобларни мунтазам ўқиб борувчи ёшларнинг улушини 10 фоизга, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида хорижий тилларни ўзлаштирган ёшлар улушини 30 фоизга ошириш асосий мақсад қилиб белгиланди. Фармонга кўра, 2026 йил 1 февралдан Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалардаги ёшларга ижтимоий ёрдам турлари

ижтимоий шартнома орқали қуйидаги шартлар асосида тақдим этилади:

- таълим олишни узлуксиз ошириб бориш;
 - таълим жараёнида ижобий ўзлаштириш кўрсаткичларига эришиш;
 - волонтерлик фаолиятини амалга ошириш;
 - “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги лойиҳаларда қатнашиш.
- Ўз навбатида бу тоифадаги ёшларга ушбу имтиёзлар берилади:
- сафарбарлик қақируви резервидаги ҳарбий хизматни бепул ўташ тартиби жорий этилади ҳамда мазкур мақсад учун субсидия ажратиш тартиби бекор қилинади;

- “Ёшлар дафтари” жамғармалари орқали автомобилтранспортлар ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш бўйича субсидия ҳайдовчилик гувоҳномасининг “А”, “В”, “D” ва “DE” тоифаларини олиш учун тўлаб берилади;

- касбий ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг контракт суммаси 50 фоизгача қисми тузилган ижтимоий шартнома шартларини бажариш даражасидан келиб чиқиб тўланади. Бунда биринчи ўқув йили учун сумма БХМнинг 50 бараваридан ошмаслиги лозим.

Айни бир шахс бир йил давомида турли ижтимоий ёрдамлардан кўпи билан икки марта фойдаланиши мумкин.

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУР ВА ИЖРО

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, дастурнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича адолатли давлат пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш, аҳолида доридармон воситаларига қарамликни камайтириш, мактабларда чет тиллари ва IT йўналишдаги ўқув соатларини кескин кўпайтириш, ўзини-ўзи банд қилган шахслар учун шарт-шароитларни яхшилаш, улуш киритиш асосида уй-жой қурилаётганда харидорларни кафолатли ҳимоя қилиш бўйича ечимлар таклиф этиш вазифаси белгиланган.

Йил ҳам поёнига етай деб қолди. Партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор мақсадларга қанчалик эришмоқда, деган савол жуда долзарб. Сайловчилар, жамоатчилик, албатта, бу саволга жавоб кутади.

Шуниси аниқки, партиямиз масъулиятни англаган ҳолда, амалий натижалар учун интилиб келмоқда.



ВАЪДАЛАР АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА УЛАНМОҚДА



Фирдавс ШАРИПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари:

- Дастурда белгиланган ҳар бир ташаббус аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ва сифатли давлат хизматларини таъминлашга қаратилган. Ҳар бир банд аҳоли ҳаёт сифатини ошириш учун муҳим, албатта.

Шу нуқтаи назардан мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши бўйича қатор йўналишларда натижаларга эришдик. Бир қатор муҳим қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Масалан, "Улуш киритиш асосида уй-жой қуришда иштирок этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш, жумладан, эскроу тўлов тизимини жорий этиш бўйича хорижий тажриба ўрганилди. Ушбу таҳлиллар асосида қонун лойиҳаси тайёрланиб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ХДП фракциясига киритилди.

Маълумки, аёлларнинг ижтимоий ҳимояси ва уларнинг меҳнат бозоридagi имкониятларини кенгайтириш Сайловолди дастурида устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, аёлларга пенсия тайинлашда зарур бўлган иш стажы ҳисобида тарбия таътилида ўтган вақтларни тўлиқ инobatга олиш масаласи долзарб эканини ҳисобга олган ҳолда ушбу йўналишда қатор ишлар амалга оширилди.

Аввало, амалдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 37-моддаси таҳлил қилинди. Амалдаги нормаларда болани парвариш қилиш таътили учун берилган муддатлар тўлиқ ҳисобга олинмаслиги аёлларнинг кейинги пенсия тайинлаш жараёнида маълум қийинчиликлар туғдираётгани аниқланди. Шу боис, мавжуд ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш зарурлиги белгиланди.

Мазкур масала бўйича халқаро амалиёт, қўшни давлатлар таърибаси ва аёллар ўртасидаги ижтимоий сўровлар натижалари ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўплаб давлатларда болани 3 ёшгача парвариш қилиш муддатлари тўлиқ иш стажига қўшиб борилади ва бу аёлларнинг пенсия миқдорида ижобий таъсир қилади. Шу жиҳатдан, ушбу нормани миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш муҳим деб топилди.

Таҳқиқотлар ва таҳлилий ҳулосалар асосида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 37-моддаси "ж" бандига таклиф этилаётган ўзгаришлар тайёрланди. Таклифда аёл болани 3 ёшгача парвариш қилиш учун берилган таътил муддатини иш стажига тўлиқ қўшиб ҳисоблаш механизми белгиланган.

Шунингдек, мазкур таклифнинг амалий аҳамияти, унинг аёлларнинг пенсия таъминотини яхшилашдаги ўрни ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришдаги аҳамияти юзасидан Ахборот хати тайёрланди. Ахборот хати асосида қонунчиликка ўзгартиш киритиш бўйича ташаббус расмий тарзда Ўзбекистон ХДП фракциясига кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Ушбу ташаббуснинг амалга оширилиши аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, пенсия таъминотида тенгликни таъминлаш ҳамда оила ва меҳнат мажбуриятларини уйғунлаштиришда муҳим қадам бўлади.



Мавжуда ҲАСАНОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи:

- Сайловолди дастур бу шунчаки ҳужжат эмас, балки бизнинг жамият олдидаги масъулиятимиз, фуқароларга берган ваъдамиздир. Бугун биз ана шу ваъдалар қандай амалда рўёбга чиққани, қандай натижаларга эришганимиз ва қайси йўналишларда ишлар давом этаётгани ҳақида атрофича маълумот берамиз. Ҳар бир амалга оширилган қадам — халқ

фаровонлиги йўлидаги ҳисса, деб ўйлайман.

Сайловолди дастурида белгиланган муҳим вазифалардан бири — умумтаълим мактабларида замонавий фанларнинг, жумладан, чет тиллар ва IT йўналишидаги фанларни ўқитиш сифати, улар учун ажратилган ўқув соатлари ҳамда малакали ўқитувчилар билан таъминланганлик даражасини ўрганишдан иборат эди.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати И. Э. Турсунов ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан Қашқадарё вилоятида кенг қамровли ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганишлар саволнома шаклида ташкил этилиб, мактабларда замонавий фанлар бўйича соатлар ажратилиши, ўқитиш сифатини таъминлаш, айниқса, малакали педагоглар билан таъминланганлик ҳолати батафсил таҳлил қилинди.

Ўрганишлар натижасига кўра, Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ва иқтисодиёт ҳамда молия бош бошқармаси бошлиғи А. Қодиров номига халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати Умар Жулбулов томонидан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган

қўшимча ўрганишлар асосида эса Сурхондарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Х. Мамадиевга халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати А. Пардаев томонидан депутат сўровлари юборилди.

Шу билан бирга, масаланинг республика миқёсидаги умумий ҳолатини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон ХДП фракцияси депутатлари Имомназар Турсунов ва Фирдавс Шарипов томонидан мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарова номига депутат сўровлари юборилди. Сўровларда қуйидаги масалалар бўйича асослантирилган тушунтиришлар талаб қилинди:

- умумтаълим мактабларини чет тиллар ва IT бўйича малакали ўқитувчилар билан таъминлаш ҳолати;
- айниқса, чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ушбу мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар;
- замонавий фанлар бўйича ўқув соатларини ошириш, таълим сифатини ва таълим технологияларини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар.

Юборилган депутат сўровлари ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар, эҳтиёжлар ва таклиф этилган ечимларни амалий чора-тадбирларга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Сирожиддин ШОНАЗАРОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи:

- Сайловолди дастурида аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича белгиланган устувор вазифалардан бири — "Реклама тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган дори воситаларининг рекламасига оид талабларга риоя этилиш жараёнини ўрганиш ва назорат қилишдан иборат эди.

Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида қуйидаги асосий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

тақиқланган дори воситаларини реклама қилишга йўл қўймаслик ҳолати;

амалиётда дори воситалари бўйича рағбатлантирувчи акциялар ўтказилиши ҳолати;

дори воситалари рекламасида қонунчиликда талаб этилган тўлиқ ва ишончли маълумотларнинг мавжудлиги;

дори воситаларининг рекламаси устидан назоратнинг қай даражада амалга оширилаётгани.

Партиямизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳри, Фарғона ва Тошкент вилоят Кенгашларидаги депутатлари томонидан дори воситалари рекламасининг амалдаги қонунчилик талабларига мослиги назорат-таҳлил тартибда ўрганилди.

Ўрганишлар якунида аниқланган ҳолатлар, муаммолар ва таклифларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш мақсадида 11 апрель куни Марказий Кенгаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, соҳавий мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида "Жамоатчилик эшитуви" ўтказилди.

Ушбу ишлар дори воситалари рекламаси соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли нотўғри реклама таъсиридан ҳимоя қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришда муҳим амалий қадам бўлди.

Яна бир гап. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий мақсадлари — одамларнинг турмуш даражасини ошириш, камбағалликни камайтириш ва одамларни қийнаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилишдир. Шу мақсадда партиямиз ташаббуси билан мамлакатнинг барча

ҳудудларида "Депутат маҳаллада" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида депутатлар томонидан бугунга қадар.

4542 нафар ёлғиз кексалар, боқувчисиз оилалар, ногиронлар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди.

2865 та оила "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган ҳолатда ўрганиб чиқилди.

Аҳоли билан бевосита мулоқотни кучайтириш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар миқёсида 2166 маротаба учрашувлар ва сайёр қабуллар ўтказилди. Ушбу сайёр қабулларда 9 788 нафар фуқароларнинг турли ижтимоий муаммолари қайд этилди.

Аниқланган масалалар бўйича 4 962 та муаммо жойида ёки масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Қарийб 394 та депутатлик сўрови юборилиб, тегишли идоралар олдида масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Шунингдек, аҳолини ўйлантираётган йўл таъмири, электр энергияси, сув таъминоти, ичимлик суви, канализация, бандлик ва янги иш ўринлари яратиш каби йўналишларда 200 дан ортиқ масалалар ўрганиб чиқилиб, уларни ижобий ҳал этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

"Депутат маҳаллада" лойиҳаси амалда халқ вакилларининг аҳоли билан доимий мулоқоти, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муаммоларни барвақт аниқлаш ва уларни ҳал этишда самарали механизм сифатида шаклланди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Асосийси, партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлаш жараёнида депутатлар жойлардаги реал вазиятни ўз кўзи билан кўриб, одамлар билан юзлашмоқда. Шунинг учун улар ҳудудлардаги муаммоларни ипидан игнасиғача билади. Сайловчиларга қулоқ тутиш, улар билан елкама-елка туришда гап кўп.

Демак, партия Сайловолди дастуридаги мақсадлар

бирин-кетин амалга ошмоқда. Умид қиламизки, яхши ният билан бошлаган ишларимиз хайрли бўлади, вазифалар сидқидилдан бажарилади. Чунки, ҳар бир ислохот, ҳар бир режа, айнан бизнинг, бизнинг ва халқимизнинг манфаати учун хизмат қилади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СТРАТЕГИК МАҚСАД

XX аср бошларида тиббиётда морфин оғриқ қолдирувчи восита сифатида, героин йўтални, кокаин эса депрессия, сифилис ва алкоголизмни даволашда қўлланилган. Лекин кейинчалик бу дори воситалари жуда оғир асоратларга олиб келиши, инсонийлик ва инсоний қадриятларига дахл қилиши, жиноят оламига йўл очиши маълум бўлгач, амалиётда қатъиян тақиқланди. Бироқ ҳар қанча тақиқларга қарамай, гиёҳвандлик ва сўнгги йилларда турли психотроп моддаларга тобеликнинг чегара билмай, тобора илдиз отиб бораётгани ўз келажаги ҳақида қайғураётган ҳар қандай жамиятни сергак тортишга, қатъий чораларни кўришга ундамоқда.



Худди шундай, наркожиноятчилик бугунга келиб бутун инсоният учун янги глобал хавф-хатар тусини олди. Дунёда 400 миллиондан ортиқ одам бу иллатга дучор бўлгани, унинг оқибатида йилига 300 мингга яқин одам вафот этаётгани бунинг яққол далили. Қолаверса, мазкур муаммо уюшган жиноятчилик, коррупция, иқтисодий жиноятчилик ва терроризм билан чамбарчас боғлиқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти наркожиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда янги, самарали, илмий асосланган ёндашувларни қўллаш жуда муҳимлигини, шу орақали ноқонуний гиёҳванд ва психотроп моддалар ишлаб чиқариш саноатини заифлаштириш мумкинлигини илгари суради.

Мутахассисларга кўра, наркотиклар ва психотроп дорилар инсон танасининг табиий ҳимояси ва салоҳиятини бузиши, оғир оқибатларга олиб келиши билан бир қаторда психологик ва ҳиссий мувозанатга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бундай моддаларнинг истеъмоли инсоннинг тўғри қарор қабул қилиш қобилиятига зарар етказиб, турли жиноятларга, тузатиб бўлмас хатоларга етаклаши билан янада хавфли.

Наркожиноятларнинг шакл ва турлари йилдан-йилга кўпайиб, қамрови ортиб бораётгани фонида унга қарши курашишни комплекс равишда ташкил қилиш ҳар бир давлат учун кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланмоқда.

АЁВСИЗ ВА МУРОСАСИЗ

Шу ойнинг бошида давлат раҳбари ҳузурида миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш юзасидан таклифлар тақдимоти ўтказилганидан

““

НАРКОЖИНОЯТЧИЛИК
НА МАКОН, НА МИЛЛАТ
ТАНЛАЙДИГАН,
ИНСОНИАТНИНГ УЛКАН
АЗОБ-УҚУБАТЛАРИ
МАНБАИДИР. ГЎЁ
ЭШИК ОРТИДА ПАЙТ
ПОЙЛАБ ТУРГАН ЁВГА
ЎХШАЙДИ.

хабарингиз бор. Мазкур тақдимотда, жумладан, кейинги пайтларда истеъмоли осон, яшириш ва тарқатиш қулай дори шаклидаги психотроп ва синтетик моддалар анъанавий наркотиклар ўрнини эгаллаётгани, уларнинг тарқалиши асосан ёшлар орасида юз бераётгани миллат генофонди учун хавфли сигнал экани таъкидланган эди.

Синтетик наркотиклар яширин



нарколабораторияларда тайёрланиб, интернет орқали контакtsiz шаклда ўтказилаётгани, наркотикларни тарқатиш манбаси бўлган уюшган жиноятчилик трансчегаравий хусусиятга эгаллиги бу иллатга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Тақдимотда миллий қонунчилигимизга наркожиноятчиликни таг-томири билан йўқотишга қаратилган нормаларни киритиш вақти келгани алоҳида айтиб ўтилди. Бунда, биринчи навбатда ўқувчи ва талабалар орасида наркотикларнинг тарқалишига батамом чек қўйиш, ёшларда муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган таъсирчан амалий ҳаракатларни амалга ошириш барча мастул органлар ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Наркожиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштириш, наркотикларни интернет орқали тарқатиш, уюшган гурӯҳлар ва нарколабораториялар, уларга раҳнамолик қилаётган мансабдор шахсларни аниқлаш ва чек қўйишга қаратилган кенг қамровли тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятини йўлга қўйиш кераклигига урғу берилди. Шунингдек, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида гиёҳвандликнинг диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси тизимини тубдан яхшилашга доир таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Шундан сўнг, аниқроғи, 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу ҳужжат моҳияти ва аҳамиятига кўра, мамлакатимизда наркожиноятларга қарши курашиш ишлари янги, натижадор босқичга чиқишини таъминлайди. Унга кўра, Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондида қарши жиноятлар” номли алоҳида янги бўлим киритилади. Наркожиноий уюшма ташкил этиш ва унинг фаолият юртишини таъминлаш, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини уюшган гуруҳ томонидан трансчегаравий усулларда ёки интернет тармоғидан фойдаланиб ўтказиш; гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний муомалага киритишга ҳокимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ёки бундай жиноятлар фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хабар бериш; ғайриқонуний нарколаборатория фаолиятини юритиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Яъни, бу қилмишлар учун айбланувчига 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Фармонга мувофиқ гиёҳвандлик воситаларини жамоат жойларида

истеъмол қилганлик учун 15 суткагача маъмурий қамоқ жазосини қўллашни назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Илгари бундай воситалар фақат гумонланувчининг ёнидан чиқсагина, жавобгарлик мавжуд эди, истеъмол

қилганлик учун эса амалда ҳеч қандай чора кўрилмасди. Энди ушбу мантиқсизликка чек қўйилади.

Гиёҳвандлик ва психотроп моддалар муаммоси шу даражада авж олдики, бунга қарши аёвсиз курашилмаса, эртага миллат тақдири, миллат саломатлиги сўроқ остида қолиши хавфи сезилмоқда. Бу курашда эса фақат тегишли орган ва ташкилотлар эмас, балки жамоатчилик назорати ва кўмаги ҳам сув ва ҳаво каби керак бўляпти.

**Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты:**

– Кейинги пайтларда ёшларимиз орасида кучли таъсир қилувчи ва таркибида психотроп моддалар мавжуд бўлган дори воситаларига қарамлик ҳолатлари кўп кузатилаётганидан кўз юмолмаймиз. Бу иллат қанчадан-қанча йигит-қизларнинг гулдек умрини хазон қилаётгани таассуфли.

Ёшлар ўртасида бу иллатнинг кўпайиб кетишини ўсмирларнинг қизиқувчанлиги, тез таъсирга берилувчанлиги, оқибатларини билмаслиги ҳамда аҳоли орасида гиёҳванд воситалар ёки гиёҳвандлик касаллиги тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги билан изохлаш мумкин.

Шунингдек, фикри ожизимча, бугунги кунда айрим ёшларимиз тўкин турмуш шароитида тўқликка шўхлик қилаётган бўлса, бошқалари ўзи билмаган ҳолда, алдовлар натижасида гиёҳвандлик қурбонига айланиб қоляпти. Ёшларнинг ажал гирдобига тушиб қолишида кўпинча оиладаги муҳит ёки эътиборсизлик ҳам сабаб бўлмоқда. Бу даргда мубтало бўлганлар орасида ёшлар билан бирга, аёлларнинг, оналик мартабасига эришган опа-сингилларимизнинг ҳам борлиги кишини ўйлантиради.

Шу маънода, бугун муаммонинг оқибатлари билан эмас, балки сабаблари билан курашиш самаралироқ. Бу кураш қандай амалга оширилади? Фақат тарғибот-ташвиқот ва медиа имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали.

Давлатимиз раҳбарининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида маҳаллаларда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, барча меҳнат жамоаларида гиёҳвандликнинг, психотроп дориларга ружу қўйишнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли асоратлари ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш ҳар қачонгидан зарур.

Хали дунёқарashi тўлиқ шаклланиб улгурмаган, ҳаётнинг пасту баландини, оқ-қоранинг фарқини билмайдиган ёшларни турли алдов йўллари билан гиёҳвандликка, наркожиноятларга бошлаётганлар оз эмас. Ўз ҳаёнини қаппайтириш илинжида оғуни вояга етмаган ёшлар орасида тарқатиб, уни истеъмол қилишга тарғиб қилаётганларга жим қараб туриб бўлмайди. Гиёҳвандликка қарши курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши эмас, ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши керак. Бунга ҳамма – бутун жамият бирдек масъул!

**Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ШУНДАЙ ЁШЛАРИМИЗ БОР

ЮРТ ШАРАФИ ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Тараққиёт йўлини танлаган давлат борки, ўсиб келаётган авлодга бебаҳо ресурс сифатида қараб, барча жабҳада ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатлари устуворлигини кафолатлайди. Худди шундай, Янги Ўзбекистонда ҳам ёшлар масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланиб, бу соҳада бемисл ишлар олиб борилаётгани, таълим-тарбия тизими жадал суръатда такомиллашаётгани, давлат раҳбари таъбири билан айтганда, янги тарих яратадиган олтин авлодни шакллантирмоқда.

Спорт, илм-фан, рақамли технология, инновацион кашфиётлар... Бугун қайси йўналишни олманг, дунё майдонида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшларимизнинг сафи йил сайин кенгайиб боряпти. Айниқса, қизларимизнинг халқаро майдонларда ғолибалик шохсупасига чиқиб, нималарга қодирлигини дадил кўрсатаётгани қувонарли. Ҳа, чиндан ҳам Янги Ўзбекистон – бу ёшлар учун улкан имкониятлар заминидир.

Бухоро шаҳрида кенг жамоатчилик томонидан инглиз тили билимдони дея эътироф этилаётган Розиябегим Хусеновнинг ютуқлари билан таниша туриб, буни яна бир бор кўнгилдан ўтказамиз.

Бухоро азалдан олиму фозилларга бешик бўлган. Унинг бағрида не-не даҳолар улғайгани рост. Бухоро шаҳридаги "Одноклассики" хусусий мактабининг 8-синфида ўқиётган Розиябегим ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, инглиз тили фанидан ҳавас қиларли ютуқларга эришмоқда. Унинг инглиз тили бўйича халқаро нуфузли олимпиадалардаги ёрқин иштироки ҳам

буни тасдиқлайди.

Жумладан, асосий тили инглиз бўлмаган 65 та давлат ўқувчи-ёшлари ўртасида ташкил қилинган "Hippo English without Borders" олимпиадасида ўтган йили минглаб ўзбекистонлик иштирокчилар орасидан бор-йўғи 7 нафар ўғил-қиз финал босқичига йўлланмани қўлга киритган ва мусобақа якунида бухоролик Розиябегим Хусенова фахрли ўринни эгаллаган эди. Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган яна бир халқаро олимпиадада 24 та давлат вакиллари ичида ғолиблар қаторидан жой олиб, юртимиз байроғини юқорига кўтарди.

Розиябегим ўз устида тинимсиз ишлайди, изланади, ўрганади. Натижа эса тобора қамрови кенгайиб бораётган ютуқларида намоён. Жорий йилда ҳам у Вьетнамнинг Хо Ши Мин шаҳрида ташкил этилган инглиз тили бўйича жаҳон олимпиадасида биринчи ўринни қўлга киритди.

Оққан дарё оқаверади, дейдилар. Розиябегим каби зукко, интилувчан фарзандларимиз дунё тамаддунига юксак ҳисса қўшган



буюк аждодларимизга муносиб ворис эканликларини жаҳон миқёсида исбот этиб келмоқдаларки, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шахло БАҚОЕВА,
журналист.

ГАЗЕТХОН МИНБАРИ

“ЁШЛАР КИТОБ ЎҚИМАЙДИ” ДЕЙИШГА ШОШИЛМАНГ!

Етуқликка интилган инсонга китоб беминнат ёрдамчи. Айнан мутолаа қалбни ўйғотади, унда юксак соф туйғулар кўртрак ёзишига тўртки беради. Ҳаёт, яшаш мазмуни, чин мақсад, тириклик қадри ҳақида теран қарашлар шаклланади.

Сир эмас, жамиятимизда катта авлод наздида бугунги ёшлар китоб ўқимай қўйишган. Аслини олганда эса замон руҳига мос равишда мутолаа маданиятига янги одатлар кириб келмоқда. Зотан, бугун қулоқчин таққан ҳамма ҳам қўшиқ эшитаётган бўлмайди, телефонга қадалган кўзлар ҳар доим ҳам қисқа видеолар кўрмайди. Бу техник воситалар ёшлар учун китоб ўқишни янада қулайлаштирмоқда. Исталган жойда ва исталган вақтда мутолаа қилиш учун имкон бермоқда.

Китобга, хусусан, янги ва нодир адабиётларга талаб борки, юртимизда йилдан-йилга наشريётлар сони ҳам, улар томонидан чоп этилаётган китоблар



тури ва адади ҳам ошиб бораётир. Бунинг исботи ўлароқ, ёшларимиз орасида энг машҳур бўлган "Asaxiy", "Book.uz", "Қамер", "Зумар" каби сара китоб дўконларига ташриф буурсангиз, ҳамиша гавжумлигига ғувоҳ бўласиз.

Сал аввал айтиб ўтганимиздек, китоб ўқиш янгича тус олган. Китоб ўқишни қулайлаштириш учун янги-янги, креатив лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. Пойтахтимиз метро бекатларида ташкил этилган китоб жавонлари бунга мисол. Ушбу лойиҳа китобхонлик тарғиботини оммалаштиришда жуда қўл келмоқда. Ҳатто ёшларнинг ўзи ҳам бу ҳаракатга ҳисса қўшишга интиломоқдалар. Яъни, ўзлари ўқиган китобларини метро бекатларидаги жавонларга қўйиб кетишяпти.

Китоб дўконларида ўтказилган сўровномалардан маълум бўлдики, сўнгги пайтларда аҳоли, жумладан, ёшларимиз ўртасида шахсий ривожланишга қаратилган нашрларга қизиқиш юқори экан. Масалан, "Атом одатлари", "Лидерлар китоби", "Латте омили. Молиявий мустақиллик ва эркин ҳаёт сирлари", "Режали аёл", "Диққат. Чалғитувчи дунёда муваффақият сирлари", "Муваффақиятли инсонларнинг 7 кўникмаси" каби китобларнинг бозори чаққон. Демак, ёшларимиз ўз йўлларини танлаган: улар асл муваффақият калити китоб эканини яхши англаб етишмоқда.

Жавоҳир НЕҒМАТОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

СПОРТ

XXV Сурдлимпия ўйинлари:

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК ОЛТИН МЕДАЛЬ

Токиода ўтказилаётган XXV Сурдлимпия ўйинлари доирасида 24 ноябрь кuni Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Гўзал Эшмирзаева таэквондо бўйича -67 кг вазн тоифасида финал баҳсида Жанубий Корея спортчиси Ли Кин Янгни мағлуб этди ва Ўзбекистонга мусобақа тарихидаги илк олтин медални тақдим этди. Бу ҳақда Карлар спорти федерацияси хабар қилди. Бундан ташқари, яна бир спортчи Мафтуна Абдиюсупова кумуш медаль совриндори бўлди. Аввалроқ 22-23 ноябрь кунлари таэквондо спорт тури бўйича баҳсларда ўзбекистонлик таэквондочилар 3 та кумуш, 5 та бронза қўлга киритгани хабар қилинганди.



Гандбол:

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Таиланднинг Паттайя шаҳрида жорий йилнинг 17-22 ноябрь кунлари бўлиб ўтган гандбол бўйича ўтказилган Халқаро гандбол федерацияси кубогининг Осиё қитъаси босқичида ҳамюртларимиз



муваффақиятга эришди.

Турнирда 9 та жамоа учта гуруҳда баҳс олиб борди. "А" гуруҳида Таиланд, Ҳиндистон, Малайзия жамоалари, "В" гуруҳида Ўзбекистон гандболчи қизлари Вьетнам ва Гонконг билан, "С" гуруҳида Хитой Тайпейи, Туркменистон ва Индонезия жамоалари куч синашди.

Ўзбекистон терма жамоаси турнир давомида Гонконг (48:16) ва Вьетнам (51:18) жамоаларини енгиб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллади ва 1-3 ўринлар учун курашни давом эттирди. Осиё қитъаси босқичи финалида терма жамоамиз аъзолари Ҳиндистон жамоасига қарши майдонга тушди.

Мурасасиз ўйиннинг асосий вақтида томонлар 38:38 ҳисобида мурося йўлини танлашди. Қўшимча таймнинг шиддатли баҳсида юртимиз гандболчилари бир очко фарқи билан, яъни, 48:47 ҳисобида зафар қучиб, жаҳон чемпионати йўлланмасига эга чиқди.

"Риёд-2025"

ВАКИЛЛАРИМИЗ 96 ТА МЕДАЛЬ ЖАМҒАРИБ, ИККИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳри мезбонлик қилган VI Ислом бирдамлиги ўйинларида 57 мамлакатнинг 4 минг нафарга яқин спортчилари 23 та спорт тури бўйича 247 та дастурда ўтган мурасасиз баҳсларда ғолиблик учун кураш олиб борди.

Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳри мезбонлик қилган бу галги мусобақада музаффар спортчиларимиз 29 та олтин, 35 та кумуш ва 32 та бронза медаллари билан 57 мамлакат орасида умумжамоа ҳисобида Туркиядан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Умид қиламизки, Ўзбекистон делегацияси яна тўрт йилдан сўнг – 2029 йилда Малайзиянинг Селангор шаҳри мезбонлик қиладиган VII Ислом бирдамлиги ўйинларида бундан-да катта ютуқларни қўлга киритади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

ТАНЛОВ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тарғибот ишлари жараёнида фойдаланиш мақсадида бинафша рангдаги 4 минг дона футболка поло ҳамда 4 минг дона кепка тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари 2025 йил 5 декабрь кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар амалга оширилаётган хизматларнинг таснифларини (71) 239-19-73 телефон рақами орқали маълумот олишлари мумкин.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1137. 1580 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda